

- инновационных технологий, 2015. №6. Ч.2. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://ekonomika.sciencedom.ru/2015/06/9281>
9. Перегудова С.А., Агафонова М.С. Особенности американской модели управления. // Современные научные технологии, 2014. № 7-2. С. 134-134. Электронный ресурс: <http://www.top-technologies.ru/ru/article/view?id=34437/>
10. Питер Ф. Друкер, Задачи менеджмента в XXI веке. – М.: Вильямс, 2003.
11. Перегудова С.А., Агафонова М.С. Особенности американской модели управления // Современные научные технологии, 2014. № 7-2. С. 134-134. [Электронный ресурс]: Режим доступа: <http://www.top-technologies.ru/ru/article/view?id=34437/> (дата обращения: 01.12.2018).
12. Стрижова С.Г., Азова Г.Л. Стратегия управления японских компаний. – М., 1995.
13. "Управление персоналом" 2000, № 9, Е. Комаров "Черты американского стиля управления".
14. Usmanova Dilfuzahon Ibrohimovna. (2021). Strategic Management In Organizations. Archive of Conferences, 45-47. Retrieved from <https://www.conferencepublication.com/index.php/aoc/article/view/1504>
15. Шонбергер Р. Японские методы управления производством. – М.: Экономика, 1998.
16. Якокка Л. Карьера менеджера. – М., 1994.
17. Всероссийский экономический журнал, - 2000, № 6.
18. Журнал "Человек и труд", - 2000, № 4.
19. Журнал "Мировая экономика и международные отношения", - 2001, № 9.
20. Журнал "США – Канада", - 2001, № 6.А.И. Кравченко, История менеджмента. – М: Академический проспект, 2003.
21. Электронный учебник по менеджменту. Электронная информационно-образовательная среда ИТМО. [Электронный ресурс]: [http://de.ifmo.ru/bk\\_netrat/page.php? tutindex=3& index=11](http://de.ifmo.ru/bk_netrat/page.php? tutindex=3& index=11)
22. Справочник по менеджменту. Онлайн сервис для учебы, 2015 г. Электронный ресурс: <http://ru.solverbook.com/spravochnik/menedzhment/evropejskaya-model-menedzhmenta/>
23. Электронный учебник по менеджменту. Электронная информационно-образовательная среда ИТМО. [Электронный ресурс]: [http://de.ifmo.ru/bk\\_netrat/page.php? tutindex=3& index=11/](http://de.ifmo.ru/bk_netrat/page.php? tutindex=3& index=11)
24. Справочник по менеджменту. [Электронный ресурс]. Онлайн сервис для учебы, 2015 г. [Электронный ресурс]. <http://ru.solverbook.com/spravochnik/menedzhment/evropejskaya-model-menedzhmenta/>



### СПОРТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ТИЗИМЛИ МЕНЕЖМЕНТ ИННОВАЦИЯЛАРИ АСОСИДА САМАРАЛИ БОШҚАРИШ ЙЎЛЛАРИ

doi:[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss3/a7](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a7)

Турсунова Зиёдахон Мусабоевна -  
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия  
ва спорт университети ўқитувчиси

**Аннотация.** Ушбу мақола спорт соҳасида инновацион жараёнларнинг аҳамияти тобора ошиб бораётган бир вақтда, спортда инновацион менеджментнинг тизимли стратегиясини ишилаб чиқиш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасига хориж инновацияларни жорий этиши ва улардан самарали фойдаланиш жисмоний тарбия ва спорт ташкилотларини тизимли менеджмент инновациялари асосида самарали бошқариши йўлларининг устувор вазифаларини ишилаб чиқиш ва инновацион услугини шакллантиришини илмий асослашга бағишиланган.

**Калим сўзлар:** тизимли менеджмент, инновацион менеджмент, спорт бошқарув кадрлари, спорт хизматлари, оммавий спорт, профессионал спорт, стратегик концепция.

### ПУТИ ЭФФЕКТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ СПОРТИВНЫМИ ОРГАНИЗАЦИЯМИ НА ОСНОВЕ ИННОВАЦИЙ СИСТЕМНОГО УПРАВЛЕНИЯ

Турсунова Зиёдахон Мусабоевна -  
Государственный университет физкультуры и  
спорта Узбекистана, преподаватель

**Аннотация.** В условиях, когда значение инновационных процессов в спорте возрастает, разработка системной стратегии инновационного менеджмента в спорте, внедрение и эффективное использование зарубежных инноваций в физической культуре и спорте, разработка приоритетов эффективного управления физической культурой и спортивных организаций и посвящена научному обоснованию формирования инновационного метода.

**Ключевые слова:** системный менеджмент, инновационный менеджмент, спортивные управленческие кадры, спортивные услуги, массовый спорт, профессиональный спорт, стратегическая концепция.

## WAYS TO EFFECTIVELY MANAGE SPORTS ORGANIZATIONS BASED ON SYSTEM MANAGEMENT INNOVATIONS

**Tursunova Ziyodakhon Musaboevna -**  
*Uzbek state physical education and  
 sports university, teacher*

**Annotation.** At a time when the importance of innovative processes in sports is growing, the development of a systematic strategy of innovative management in sports, the introduction and effective use of foreign innovations in physical culture and sports, the development of priorities for effective management of physical culture and sports organizations and is devoted to the scientific substantiation of the formation of an innovative method.

**Keywords:** system management, innovation management, sports management personnel, sports services, mass sports, professional sports, strategic concept.

**Кириш.** Тадқиқот ишининг долзарблиги. Бошқарув назарияси ривожланишининг ҳар бир босқичида инсон капитали, шахснинг камол топиши, демократик тамойиллар асосида ёш авлодни тарбиялашга ҳар доим олимлар ва давлат органлари томонидан алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борада жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни беқиёс экани барчага маълум. Тизимларни бошқариш назарияси бунда компаниялар маъмурияти учун яна бир методология мавжуд. Унда компания мувозанатли ишлайдиган жуда кўп турли хил элементлардан ташкил топганлиги, шунда тизим умуман муқаммал ишлаши учун айтилади. Ушбу назарияга кўра, компаниянинг муваффақияти ушбу асосий таркибий қисмларга боғлиқ: турли тизимлар ўртасидаги синергия, муносабатлар ва қарамлик. Компаниянинг энг муҳим қисмларидан бири бўлимлар ва ишчи гурухлардан ташқари ишчилар.

Жисмоний тарбия ва спорт фаолияти бевосита инсон капиталига қаратилган фаолият туридир. Иқтисодиётнинг таркибий қисмларидан бири бўлган жисмоний тарбия ва спорт фаолияти соҳасининг самарадорлигини ошириш, спорт иқтисодиётнинг барқарор ва оқилона нисбатларда ривожланишини таъминлаш, бозор талаблари асосида тармоқларини таркибий ўзгаришининг амалга оширилиши спорт соҳасини модернизация қилиш даражасига боғлиқ. Эркин рақобат ва аҳоли турмуш фаровонлигини ҳамда жамиятимизда соғлом авлодни тарбиялаш ва таъминлашда бошқариш фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Жисмоний тарбия ва спорт соҳаси ҳар қандай бошқа муассаса каби ўз келажаги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши керак.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Ташкилотни тизимли менежмент инновациялари асосида самарали бошқариш йўллари бўйича иқтисодчи олимлар ва мутахассислар ўз тадқиқотларида ва халқаро конференцияларда фирмр-муҳозаларини келтириб ўтганлар.

Тизимли менежмент ёндашуви 50-йилларнинг охирида бошқарувда тизимлар назариясини қўлланиши менежментга бошқарув

фани мактаблари ва хусусан, америкалик олимлар Ж.Пол Гетти ва Питер Ф. Друкернинг муҳим хиссаси бўлган. Бу ёндашув нисбатан яқиндан қўллана бошлаганлиги туфайли, ҳозирги кунда ушбу мактабнинг бошқарув назарияси ва амалиётiga ҳақиқий таъсирини тўлиқ даражада баҳолашнинг иложи йўқ. Шунга қарамай, бугун унинг таъсири жуда катта ва бундан кейин ҳам у ошиб боради. Тизимли асосда, эҳтимол, кела жақда ишлаб чиқиладиган янги билим ва назарияларни синтез қилиш мумкин бўлар. Ўзгарувчилар ва уларнинг ташкилот самарадорлигига таъсирини аниқлаш менежментга тизимлар назариясининг мантиқий давоми бўлган тизимли ёндашувнинг асосий улуши бўлади. Раҳбарлар тизимлар назариясини бошқарув жараёнiga нисбатан қўллаш учун ташкилотни ўзгарувчан тизимлар сифатида билишлари керак [1].

Менежмент тизимининг бу хусусиятлари бирор обьектни бошқариш мақсадлари ва тамоийилларининг хусусиятидан келиб чиқиб, танлаб олинадиган таркибий қисмларнинг муайян йиғиндиси. Ташкилот тизимининг фаолияти унинг ташқи муҳит билан таъсири жараён сифатида ўрганилади. Бунда мазкур жараёнга ташкилот тизимининг шаклланиши ва ривожланишининг ички қонуниятлари асосий таъсирини кўрсатади [2].

Иқтисодий адабиётларда “инновация” тушунчасига таъриф бериш учун турли хил ёндашувлар пайдо бўла бошлади. Э.А. Уткиннинг ёндашувига кўра инновация деганда “ишлаб чиқаришга жорий этилган объект тушунилади” [3].

И.Степанованинг фикрича, “инновация” тушунчаси илмий-техника салоҳиятини реал, янги маҳсулот ва технологияларни юзага чиқаридиган жараён сифатида талқин этилади [4].

Л.Водачек ва О.Водачкова инновацияларни “корхона фаолиятининг тизим сифатида мақсадли ўзгариши” деб таърифлайдилар [5].

“Инновация” тушунчасининг юқоридаги таърифлари ўзгаришларнинг микроиқтисодий хусусиятини акс эттиради, бу ерда улар ташкилот фаолиятини модернизациялаш омили сифатида кўриб чиқилган.

Б.Сантонинг фикрича, инновация юқори сифатли технологиялар яратиладиган техник, ижтимоий-иктисодий жараён.

Л.А.Баев ва Э.В.Шугуровнинг фикрича, “инновация” тушунчасини аниқлашда қуйидаги ёндашувлар мавжуд: объектга кўра ёндашув; жараёнли ёндашув; объект-нафлийк ёндашув; жараён-нафлийк ёндашув; жараёнли-мoliajvий ёндашув [6].

В.А.Сластённинг фикрича, инновация мақсадга қаратилган ўзгариш бўлиб, қўлланиш соҳасидаги тизимни бир ҳолатдан сифат жиҳатдан янги ҳолатга ўтказиш, уни тубдан такомиллашибтиришни, инновацион жараён-янгиликни яратиш, ўзгартириш, қўллаш ва тарқатишдаги комплекс фаолиятни англатади [7].

Инновация жараёни ташкилотларнинг ҳар бир таркибий қисмида фаолиятнинг рентабеллигини назорат қилиш билан ташкилот тури соҳа фаолиятининг мувозанатланганлигини ташкиллашибтиришdir.

Инновацион бошқарувни ривожлантириш зарурати қуйидаги омиллар билан ифодаланади:

- иктиносидий фаолиятнинг барча соҳаларидаги инновацияларни қўллашга кўмаклашувчи хизмат кўрсатишнинг самарадорлигини кўтаришда фаннинг муҳим роли ва янги техникини жорий этиши;

- янги технологияларни ўзлашибтириш, спорт хизматининг техник даражасини кўтариш, тренер ва мураббийлар ижодини оммавий ривожлантириш зарурати;

- янги техника ва технологияни тезкор татбиқ этишининг объектив зарурати.

Е. Диҳтъ ва Х. Хершгеннинг таъкидлашича, “инновация деганда янги маҳсулотларни жорий этиш тушунилади, бунда ҳақиқий инновацион маҳсулотлар ва фақат ушбу тадбиркорнинг ишлаб чиқариш дастуридаги янги маҳсулотларни фарқлаш лозим. Ҳақиқий инновациялар истеъмол муаммоларининг янгича ечимини назарда тутади... ёки илгари у учун товар бўлмаган эҳтиёжларни қолдиради...”.

Айрим тадқиқотчи олимларнинг назаридаги, инновацияга у ёки бу обьект (тизим) ҳолатининг ўзгариши сифатида қараш лозим. [8]

Инновацияни таърифлашга нисбатан бундай ёндашувни дастлаб австриялик иктиносидочи олим И. Шумпетер таклиф этиб, у илмий муоммала “11 та янги комбинацияни амалга ошириш” тушунчасини киритди. И. Шумпетернинг фикрига кўра, янги комбинациялар ишлаб чиқариш ва бозорнинг ўзгаришини ўзида намоён этади ва қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

- янги, яъни истеъмолчилар учун ҳам номаълум бўлган неъматни ишлаб чиқариш, у ёки бу неъматларнинг янги сифатини яратиш;

- спорт саноатининг ушбу тармоғида деярли номаълум бўлган, унинг асосида янги илмий кашфиётлар ётиши шарт бўлмаган ва у ҳатто мавжуд товарда тижорат йўлида фойдаланишнинг янги усулидан иборат бўлиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш усулидан фойдаланиш;

- янги сотиш бозорини, яъни ушбу бозор илгари мавжуд бўлган ёки бўлмаганлигидан қатъи назар, унда ҳозиргача ушбу мамлакат спорт саноатининг мазкур тармоғи ҳам намоён этилмаган бозорни ўзлашибтириш;

- ушбу манба илгари мавжуд бўлган ёки шунчаки эътиборга олинмаган, ёхуд ундан фойдаланиб бўлмайди деб ҳисобланган, ёки уни шунчаки барпо этиш лозим бўлган ҳолатлардан қатъи назар хомашё ёки яримтайёр маҳсулотларнинг янги манбасини қўлга киритиш [9].

Спорт соҳасида инновацион фаолиятни қайтадан ташкил этиш ҳодимлар ижодий салоҳиятидан янада тўлароқ фойдаланиш имконини берадиган ташкилий муносабатларни яратишни назарда тутади. Бундай алоқаларнинг қуйидаги умумий хусусиятларини ажратиб ифодалаш мумкин:

- инновация фаолиятининг раҳбарият томонидан сўзсиз қўллаб-куватланиши ижодий изланиш ва янгиликларни амалга оширишга алоҳида муҳит яратишга имконият беради;

- ташкилотнинг барча босқичларида ва барча бўйимларида тажриба ўтказувчиларга ҳар томонлама ёрдам бериш. Бундай менежерлар янги ғояларни сўндирадиган сансоларлик, қотиб қолган фикрларга нисбатан самарали курашни яратадилар;

- коммуникацияларнинг юкори даражаси ва мунтазам такомиллашибтириш;

- муаммоларга ҳар томонлама хужум килинганда янги ахборот ва бошқаришнинг ҳар бир бўғинида алоқалар комбинациялари вужудга келади, натижада бошқаришнинг ҳар бир босқичида ечим вужудга келади. Шунинг учун инновацион бўйинмалар ва айрим ҳодимлар ўртасида ахборот айланишини кучайтишибтирга ҳаракат киладилар:

- инновацион фаолиятни моддий рағбатлантишибтиришнинг ҳар хил шакли ва усуllibарини ўз ичига олган мотивация мажмуи, бундан ташқари, ҳодимларга жисмоний руҳий таъсир ўтказишибтиришнинг кенг кўламли чораларидан фойдаланиш;

- бошқаришда иштирок этиш деб аталган услубни қўллаш;

- ҳодимларнинг ўз билимларини ошириб бориши узлуксизлиги, тобора кучайиб бораётган рақобат кураши шароитида янгилик ва хизмат сифати, ҳодимларнинг юкори мутахассисликка эгалиги, унинг қобилияти ва янги технологияни ижодий ўзлашибтиришга бўлган хоҳиши

муваффакиятга эришишнинг муҳим омилига айланади.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқотнинг методологик асоси жисмоний тарбия ва спорт соҳасида тизимли менежмент инновацияларни шакллантириш муаммоларини таҳдил қилишда комплекс ёндашувни қўллаш ҳисобланади. Таҳдил натижалари асосида жисмоний тарбия ва спорт ташкилотларнинг инновацион фаолияти-нинг натижадорлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида спорт иншоотлардан фойдаланиш даражаси тўлиқ баҳоланган.

**Таҳдил ва натижалар.** Ўзбекистонда аҳолининг, жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон таълабларига мос шарт-шароитлар яратилган. Шунингдек ҳукумат томонидан қабул қилинаётган кўплаб қарор ва фармойишларда белгиланган вазифалар орқали Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш ва аҳоли ўртасида кенг жалб этиш мақсадида кўплаб ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 февралдаги 118-сонли қарори асосида Республикада жисмоний тарбия ва спортни фаол ривожлантириш, аҳолининг барча қатламларини, айниқса ёшларни жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб қилиш, жамиятда соғлом турмуш тарзининг фойдаси ва устунлигини кенг тарғиб қилиш, мамлакатда яратилган жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт инфратузилмасидан тўлақонли ва самарали фойдаланишини таъминлаш, шунингдек, янада такомиллаштириш мақсадида 2019-2023 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди. Унга кўра:

- аҳолининг барча қатламларини, айниқса ёшларни жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан кенг қамраб олишни таъминлайдиган инновацион шакллар ва механизmlарни ишлаб чиқиши ва жорий этишини ташкил этиш;

- илғор жаҳон тажрибаси асосида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантиришни илмий-методик таъминлашни такомиллаштириш;

- янгича фикрлайдиган тренер кадрларни танлаш ва тайёрлашни ташкил этиш;

- инновацион тафаккурли маъмурий кадрларни тайёрлаш ва танлашни ташкил этиш;

- спорт тиббиётини такомиллаштириш, соғлом турмуш тарзини ва соғлом овқатланишини тарғиб қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш;

- селекция йўли билан иқтидорли спортчиларни танлаш, селекционер тренерлар фао-

лиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини кучайтириш;

- жисмоний тарбия ва оммавий спортни, соғлом турмуш тарзини оммалаштириш ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида ахборотлаштиришнинг юкори даражасини таъминлаш ва мултимедиа маҳсулотларидан фойдаланиш;

- энергия ва ресурсларни тежайдиган технологияларни фаол жорий этиш асосида давлат спорт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

- жисмоний тарбия ва оммавий спортни ҳамда соғлом турмуш тарзини оммалаштириш бўйича инновацион чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш каби бир қатор вазифалар белгилаб қўйилган [10].

Бугунги кунда иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда жисмоний тарбия ва спорт нафақат миллат саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда мамлакатни бутун дунёга танитиш воситаси бўлибгина қолмай, балки иқтисодиётнинг салмоқли фойда келтирувчи тармоғига ва шу билан бир қаторда спорт индустриясига айланган.

Масалан, ривожланган мамлакатларда профессионал спорт молиясини радиоэшиттиришлардан, хусусан, реклама ва телевидениедан келадиган даромад ўзгартириб юборди. Ҳозирги кунда 4 та асосий спорт тури (**NLB(Бэйсбол)**, **NBA (Баскетбол)**, **NFL (Америка футболи)**, **NHL (Хоккей)**) маҳаллий ва миллий радиоэшиттириш ҳуқуқлари орқали келаётган даромад оқими эвазига ўз фаолиятини амалга ошироқда. Бу қўйидаги 1-жадвалда акс эттирилган.

2017 йил 13 сентябрдаги **Спорт (/News/Categorie/Sport)** сайтларида ёзги трансферлар вақтида футбол бўйича миллий чемпионатлар сарфлаган пуллар миқдори маълум бўлганлиги эълон қилинди. Бу ҳақда ФИФАнинг расмий ҳисоботида расмий ҳисобот берилган. Бунда Transfer Matching System (TMS) маълумотларига кўра, биринчи ўринни Англия премьер-лигаси жамоалари эгаллаган. Туманли Альбион вакиллари ёзги трансферлар вақтида жами 1.4 млрд. доллар (1.1 млрд. евро) сарф қилинган. Шу билан бирга 17 клуб 20 млн доллардан кўпроқ маблағ ишлатди. Ёзги трансферлар вақтида миллий чемпионатлар сарфлаган пуллар миқдори бўйича Англиядан кейинги 2-ўринда Испания чемпионати, 3-ўринда Франция, 4-5 ўринда Германия ва Италия, 6-ўринда Россия ва 7-ўринда Туркия чемпионатлари эгаллаган. Умуман, 2017 йил 1 июндан 1 сентябрга қадар бўлган муддатда бутун дунё бўйича 7590 халқаро трансфер савдолари кузатилган. Сарфланган пуллар жами бўлиб 4.71 млрд. долларга (3.9 млрд. евро) етган.

**Ривожланган мамлакатларда профессионал спортга радиоэшиттириш хуқуқи  
келишувидан келадиган даромад [11]**

Спорт турлари	Йиллар	Телевидение номи	Сумма миқдори (млрд \$)	Хар бир жамоага йиллик ўртача сумма миқдор улуши (млн \$)
NLB(Бэйсбол)	2006-2013	ESPN; Fox; TBS	4.87	23.8
NBA (Баскетбол)	2009-2016	ABC/ESPN; TNT	7.44	31.0
NFL (Америка футболи)	2006-2013	ESPN; CBS; Fox; NBC; DirecTV	46.2	184.4
NHL(хоккей)	2011-2021	NBC; Comcast; VERSUS; CBC	2.2	7.8

*Манба:* Michael A. Leeds, Peter von Allmen "The Economics of Sports" - 73 бет

Юқоридаги маълумотлар кўрсатадики, мамлакатимизда ҳам спортнинг индустряя даражасига етишиши учун жисмоний тарбия ва спорт менежментининг роли ва уни такомиллаштирилиши муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг ривожланиши учун имкониятлар яратмоқда. Лекин жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги тизими муваммоларни, яъни мамлакатимизда спорт мавжуд спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш даражаси етарлича эмаслиги, миллий

жамоалари учун юқори даражадаги ўйинчиларнинг етишмаслиги, профессионал спортнинг ривожланишида иқтисодий модел ва тушунчанинг йўқлиги, ўз навбатида жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг турли йўналишларида спорт менежментига инновацион ёндашишни тақозо этади. Республикаизда аҳолини жисмоний тарбия ва спорт билан шуғилланишга жалб этиш учун барча ҳудудларда спорт хизматлари тармоқларини кўпайтиришга етарлича шартшароитлар мавжуд қуйидаги статистик маълумотларда акс эттирилган.

**Ўзбекистонда мавжуд спорт иншоотлари ҳудудлар кесимида**

№	Вилоятлар (шаҳар, республика) номи	Фаолият юритаётган спорт иншоотлар сони			
		2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	3162	3186	3194	3299
4.	Андижон	4274	4268	4279	4310
5.	Бухоро	3478	3479	3479	3479
6.	Жizzax	3162	3211	3212	3214
7.	Қашқадарё	5108	5130	5131	5135
8.	Навоий	1800	1784	1788	1817
9.	Наманган	3259	3271	3274	3647
10.	Самарқанд	5553	5555	5555	5586
11.	Сурхондарё	4300	4298	4303	4182
12.	Сирдарё	1524	1557	1559	1567
13.	Тошкент	4392	4500	4505	4526
14.	Фарғона	5749	5761	5772	5776
15.	Хоразм	3366	3404	3409	3418
16.	Тошкент шаҳри	2179	2179	2191	2149
<b>Жаъми:</b>		<b>51306</b>	<b>51583</b>	<b>51651</b>	<b>52105</b>

*Манба:* Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Ўзбекистонда фаолият юритаётган спорт иншоотлари сони 2020 йилда 2017 йилга нисбатан 799 тага ошган. Лекин шунга қарамай, аҳолини жисмоний тарбия ва спорт хизматларидан фойдаланиш даражаси юқори кўрсаткичларга эга эмас. Фақатгина Тошкент шаҳрида нисбатан бу кўрсаткичлар яхшироқ эканлигини кўриш мумкин. Бу кўрсаткичлар қуйидаги 3-4 жадвалларда акс эттирилган.

Ушбу кўрсаткичларни юқори даражага кўтариш ва спорт менежменти бошқарув тизимида самарадорликга эришиш учун қуйидаги бир

қатор вазифаларни амалга ошириш керак:

- жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида замонавий менежментининг инновацион ёндашувларини илмий асослаш;
- жисмоний тарбия ва спорт тизими менежментининг хусусиятлари, тамойиллари ҳамда ривожланиш жараёнларини баҳолаш;
- спорт фаолиятида бошқариш самарадорлигини аниқлаш услубини таклиф этиш;
- жисмоний тарбия ва спортга ажратилалигидан молиявий манбалардан самарали фойда-

ланиш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

- жисмоний тарбия ва спорт хизматлари тармоқларни кенгайтириш;

- тизимларни самарали фаолият юритиши учун "тизимли мониторинг" инновацион моделни шакллантириш.

### 3-жадвал

#### Спорт секцияси ва бўлимларида дарсдан ва ишдан ташқари спорт билан шуғулланаётган аҳоли сони

	2017 й.		2018 й.		2019 й.		2020 й.	
	жами	аёллар	жами	аёллар	жами	аёллар	жами	аёллар
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>2624328</b>	<b>1031873</b>	<b>2656016</b>	<b>1050150</b>	<b>2727350</b>	<b>1073977</b>	<b>2360539</b>	<b>874255</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	145040	53490	133488	45313	145856	45737	137119	45359
вилоятлар:								
Андижон	325808	141278	325808	141278	321752	141421	171317	63106
Бухоро	134608	45573	136361	47079	132499	47432	124964	41406
Жиззах	145040	53490	151241	55640	156333	56063	156472	56117
Қашқадарё	262245	97926	291396	117145	286256	112544	286767	112586
Навоий	89246	34805	90647	32606	92607	31893	78616	26307
Наманган	204239	81782	212292	82331	229007	95127	181324	70444
Самарқанд	160962	64913	162587	65428	164302	66325	164676	65398
Сурхондарё	243535	101199	246502	102573	249588	101031	249726	101358
Сирдарё	57758	19488	52664	18007	62025	19889	69704	22994
Тошкент	143893	51141	138623	46264	154366	52279	188356	57738
Фарғона	363729	162432	361500	166405	362580	164894	191841	74145
Хоразм	211420	79367	203929	79723	204255	76528	210964	81098
Тошкент ш.	136805	44989	148978	50358	165924	62814	148693	56199

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Ушбу вазифаларни ҳал этишда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини юқори салоҳиятга эга бўлган мераббийлар, инструкторлар, жисмоний тарбия фани ўқитувчилари ва замонавий бошқарув кадрлари билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиёт-

ни модернизациялаш жараёни кадрларни бошқариш соҳасида ҳам туб ўзгаришлар қилинини тақозо этади. Маълумки, корхоналар, ташкилотлар ва фирмаларнинг самарали фаолияти унда ишловчи ходимлар таркибининг қай даражада шаклланганлиги билан белгиланади.

### 4-жадвал

#### Жисмоний машғулотлар билан шуғулланган шахслар улуши (уй хўжаликлари танланма кузатуви натижаларига асосан, кузатилган барча аҳолига нисбатан) % да

	Жами				Аёллар			
	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>62,4</b>	<b>62,8</b>	<b>63,0</b>	<b>61,2</b>	<b>55,4</b>	<b>56,6</b>	<b>56,9</b>	<b>55,9</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	62,4	65,0	66,7	70,0	56,4	59,8	62,1	67,4
вилоятлар:								
Андижон	57,0	60,7	61,4	57,1	50,4	55,3	57,5	52,7
Бухоро	57,5	57,6	59,0	61,8	51,8	52,4	53,2	60,3
Жиззах	62,6	61,5	60,2	60,5	51,0	50,1	50,0	50,9
Қашқадарё	64,7	66,2	64,7	66,5	60,6	66,3	62,0	68,6
Навоий	58,1	56,6	59,0	63,7	46,8	45,2	44,7	56,3
Наманган	69,7	67,4	66,6	69,4	63,0	59,7	60,4	64,3
Самарқанд	65,2	63,2	64,3	62,0	60,6	57,9	58,4	54,4
Сурхондарё	59,4	59,7	58,0	60,7	51,3	50,5	49,7	49,7
Сирдарё	67,4	60,5	61,2	62,1	57,9	54,0	58,8	54,3
Тошкент	56,3	57,4	59,4	52,6	49,4	47,8	49,8	49,4
Фарғона	55,3	59,0	59,1	53,6	42,5	49,4	50,1	44,7
Хоразм	56,6	55,1	55,7	49,8	53,6	52,7	54,3	46,9
Тошкент.ш	80,8	80,2	78,5	71,7	74,7	77,0	74,9	66,5


**Манба:** Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Республикамизда фаолият юритаётган спорт таълим муассасалари, жисмоний тарбия ва спорт бошқарма ва бўлимларида фаолият юритаётган кадрлар салоҳиятини ошириш со-

ҳанинг муҳим вазифаларидан биридир. Шунинг учун аввало кадрлар фаолиятини кенг таҳлил этиш орқали спорт иншоотларидан фойдаланш ва аҳолига спорт хизматларини тақдим этиш ва

оммавий спортни ривожлантиришнинг асосий омилидир. Фикримизча, жисмоний тарбия ва спорт соҳаси тизимларни самараали фаолият юритиши учун “тизимли мониторинг” иннова-

цион моделини шакллантириш мақсадга мувофиқ. Куйидаги чизмада ушбу мониторинг моделини дастлабки кўриниши акс этган.



### 1-чизма. Тизимли назорат мониторинги

**Манба:** муаллиф томонидан яратилган.

Ушбу чизмада Ўзбекистонда фаолият юритаётган барча жисмоний тарбия ва спорт объектларини менежментнинг назорат функцияси орқали тизимли мониторинг қилиш услуги би акс этган. Фикримча, агар биз мавжуд муаммоларни бўлажак кадрларга ҳали ташкилотларга бормасидан етказсак ва ҳал этишини ҳамда иш жараёнини тўғри ташкил эта олишни ўргатсак, кўзланган мақсадга эришишнинг мустаҳкам пойdevорини яратган бўламиз. Ўзбекистонда доимий яшовчи умумий аҳоли сони 2022 йил 1 январь ҳолатига кўра 35 миллион 271,3 минг кишини ташкил этади (*Давлат статистика қўмитаси маълумотлари*). Ҳозирги кунда фаолият юритаётган 52105 та спорт иншоотларида қамраб олинган аҳоли сони умумий аҳоли сонига нисбатан 55,9 %ни ташкил этади, агар биз тизимли мониторингни кенг кўлламда қўллай олсак, ушбу кўрсаткичларни 80 %гача кўтаришимиз мумкин.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида инновация жараёнларини бошқариш стратегиясини шакллантиришда асосий эътибор спорт соҳасидаги хизмат кўрсатиш соҳаларин дивертификатциялаш ва рақобатдошлигини оширишга қаратилмоғи лозим.

Спорт ташкилотлари рақобатдошлилк кўрсаткичларини баҳолаш усувларини кўллаб, улардан асосийларини санаб ўтамиш:

- спортда талаб ва таклиф мувофиқлиги;
- спорт хизмати кўрсатиш сифати;
- спорт соҳасидан олинадиган даромад ва харажатлар мувофиқлиги;
- хизматлар кўрсатиш ҳажми;
- спорт ташкилотларининг ресурслари ва улардан фойдаланиш самарадорлиги.

Спорт ташкилотлари рақобатдошлигининг интеграл кўрсаткичи кўйидагича аниқланади:

$$K_x = (K_{sp} + K_k + K_p + K_B + K_r) / N$$

Бу ерда: N – кўрсаткичлар сони,  $K_{sp}$  – талаб тақлиф коэффициенти,  $K_k$  – сифат коэффициенти,  $K_p$  – харажат ва даромад мувофиқлиги коэффициенти,  $K_B$  – спорт турлари коэффициенти,  $K_r$  – ресурслар коэффициенти. Ушбу ифода ёрдамида рақобатдош субъектлар устунликлари баҳоланади ва уларнинг спорт хизмати кўрсатиш бозори эҳтиёжларини тўлиқ қолдириш имкониятларини аниқлаштириш мумкин.

**Хуросаларини аниқлаштириш.** Жисмоний тарбия ва спорт инсон фаолиятининг хусусиятли соҳаси ва хизматлар соҳасидир. Шу сабабли бу соҳада тизимли менежмент инновацияларини илмий асослашда, назаримизда, “Инсон капитали”ни ўрганиш лозим. Бу категория инсон фаолиятининг бошқа соҳаларига ҳам хосдир. Аммо жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ушбу кўрсаткич, яъни мураббий ва спортчиларни тайёрлаш даражаси, спортчининг жисмоний кўрсаткичлари, аҳолини жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш нафақат соғлом турмуш тарзини яратишни ифодалайди, шу ўринда иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим хизматлар соҳаси ҳисобланади.

Тизимли ёндашув инновацион жараёнларининг эволюцияси ва амал қилишини ўзаро боғлиқ бир бутунлик сифатида ўрганиш лозим. У жамият иқтисодий салоҳиятини тавсифловчи саноат корхоналарининг молиявий ҳолати ва инновациялар ўртасидаги кўп томонлама боғлиқликларни, асос хизмат қилувчи механизmlарни аниқлашга ёрдам беради.

Жисмоний тарбия ва спорт хизматини самарали бошқариш фаолиятида истеъмолчиларни (спорт билан шуғулланувчилар) ўрганишдан асосий мақсад уларнинг ташкилот томонидан кўрсатилаётган хизматларга эҳтиёжини тўла қондириш имкониятларини аниқлашдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун кўйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- истеъмолчилар (спорт билан шуғулланувчилар) эҳтиёжларининг шаклланиш жараёни тузилмасини ишлаб чиқиш;

- эҳтиёжларнинг миқдорий кўрсаткичларини тахминлаш;

- танланган худудлар ва хизмат кўрсатиш каналлари бўйича истеъмолчи (спорт билан шуғулланувчи)ларнинг биринчи навбатдаги эҳтиёжларини аниқлаш.

Тадқиқотлар натижасида спорт ташкилотлари хизматини ривожлантириш бўйича спорт билан шулланувчиларни ўрганиш асосида ўсиш стратегиясини ишлаб чиқиш борасида қўйидаги таклиф ва тавсияларни берамиз: Ўсиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича:

- стратегияни ишлаб чиқиша стратегик таҳлил, омилли таҳлил усусларидан кенг фойдаланиш, бунда ҳисоб-китоб тизимини автоматлаштириш;

- маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиша малакали ходимларни жалб этиш, шунингдек, ишлётган ходимларга нисбатан малака талабларини кучайтириш;

- маркетинг стратегиясини корхонанинг бошқа ички сиёсалари талаблари билан мувофиқ равища ишлаб чиқиша алоҳида эътибор қаратиш;

- маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиша бошқа алоқадор бўйлimalарнинг малакали ходимларидан иборат маҳсус ишчи гурӯҳ ташкил этиш;

- ташкилотда стратегияни жорий этиш бўйича раҳбариятга тақдим этиладиган такомилашган ҳисбот шаклларини жорий этиш, мазкур ҳисботларни чукур таҳлил қилиш асосида

стратегияда кўзланган мақсадларга тўлиқ эришишини кузатиб бориш;

- стратегияни амалга ошириш жараёни устидан таъсирчан назорат тизимини ўрнатиш.

Хулоса қилганимизда, спорт ташкилотларида спорт турлари хизматларини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири – спорт хизматига нисбатан талабни шакллантириш ва уни амалга оширишни рағбатлантириш учун инновацион бўйлimalарни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Демак, Ўзбекистонда фаолият юритаётган барча жисмоний тарбия ва спорт обьектларини менежментнинг назорат функцияси орқали тизими мониторинг қилишни юқорида келтирилган “тизими мониторинг” инновацион моделининг дастлабки кўринишида акс этган кетма-кетлик бўйича изчил механизимни кўллаш керак. Фикримча, агар биз мавжуд муоммоларни бўлажак кадрларга ҳали ташкилотларга бормасидан етказсан ва ҳал этишни ҳамда иш жараёнини тўғри ташкил эта олишни ўргатсан, кўзланган мақсадга эришишнинг мустаҳкам пойдеворини яратган бўламиз. Ўзбекистонда доимий яшовчи умумий аҳоли сони 2022 йил 1 январь ҳолатига кўра 35 миллион 271,3 минг кишини ташкил этади (*Давлат статистика қўймитаси маълумотлари*). Ҳозирда фаолият юритаётган 52105 та спорт иншоотларида қамраб олинган аҳоли сони умумий аҳоли сонига нисбатан 55,9 %ни ташкил этади, агар биз тизими мониторингни кенг қўламда қўллай олсан, бу кўрсаткичларни 80 %гача кўтаришимиз мумкин.

Ўзбекистонда фаолият юритаётган спорт ташкилотлари бошқарув кадрларининг фаолиятига ушбу тизимни жорий этиш орқали янгича иш дастури қўлланса, бугунги кунда бўш қолган спорт иншоотлари ёки шуғилланувчиларни қамраб олиш даражаси паст бўлган спорт обьектларидан самарали фойдаланиш орқали кўзланган мақсадга эришамиз, яъни мавжуд имкониятлардан самарали фойда оламиз. Бундай са-марадорлик негизида инновацион спорт хизматларини жорий этиш ва уларни диверсификациялаш орқали спорт иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшилади.

#### *Манба ва фойдаланилган адабиётлар:*

1. Йўлдашев Н.Қ., Захидов Г.Э. Менежмент. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2018. – 399с.
2. Йўлдашев Н.Қ., Акбарходжаева З.З. Инновацион менежмент. – Т.: ТДИУ, 2019. -321с.
3. Уткин Э.А. Управление компаниями. – Москва, 1997. -304 с.
4. Степанова И.П. Инновационный менеджмент. Учебник. – М., 2014.
5. Водачек Л., Водачкова О. Стратегия управления инновациями на предприятии. – Москва: Экономика, 1989. -167 с.
6. Баев Л.А. Системный подход к выявлению инноваций. 34 с.
7. Экономические и социальные аспекты развития спортивных услуг: Монография. /Под.ред. Н.А. Восковович. – М.: ТЕИС, 2012. -144 с.
8. Гурков И.Б. Стратегический менеджмент организаций. Учебное пособие. – М.: ТЕИС, 2009.-250 с.
9. Тараҳтиева Г.К. Инновацион менежмент. Ўқув қўлланмана. – Т.: Фан ва технология, 2013. - 208с.
10. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 февралдаги 118-сонли қарори.
11. Mishael A. Leeds, Peter von Allmen "The Economics of Sports" 2018.